

МУАЛИМ СЕҮМ °ЗЛИ КСИЗБИЛИМЛЕНД ИРИ²



Илимий-методикалық журнал

2023

3/4-сан

*Озбекстан Республикасы Министрлер Кабинети жасындағы
Жоқарғы Аттестация Комиссиясы Президиумының
25.10.2007 жыл (№138) қарары менен дизимге алынды*

*Қарақалпақстан Баспа сөз ҳәм хабар агентлиги тәрепинен 2007-
жылы 14-февральдан дизимге алынды.
№01-044-санлы гүйалық берилген.*

Нөкис
3/4-сан 2023 июнь-

июль

Шөлкемлестириүшилдер:

*Қарақалпақстан Республикасы Халық билимлендириў Министрлиги,
ӨЗПИИИ Қарақалпақстан филиалы*

Редактор:
А. Тилегенов

Редколлегия ағзалары:

Мақсет АЙЫМБЕТОВ	Асқарбай НИЯЗОВ
Нағмет АЙЫМБЕТОВ	Сабит НУРЖАНОВ
Байрамбай ОТЕМУРАТОВ	Уролбой МИРСАНОВ
Ерполат АЛЛАМБЕРГЕНОВ	Нуржан МАТЧАНОВ
Алишер АЛЛАМУРАТОВ	Шукурилло МАРДОНОВ
Дилшодхұжа АЙТБАЕВ	Бахтиёр РАХИМОВ
Тұлқин АЛЛАЁРОВ	Арзы ПАЗЫЛОВ
Умида БАХАДИРОВА	Барлықбай ПРЕНОВ
Фархад БАБАШЕВ	Қаххор ТУРСУНОВ
Гулзода БОЙМУРОДОВА	Нурзода ТОШЕВА
Маманазар ДЖУМАЕВ	Тажибай УТЕБАЕВ
Асқар ДЖУМАШЕВ	Амангелди КАМАЛОВ
Алишер ЖУМАНОВ	Ризамат ШОДИЕВ



Гүлнара ЖУМАШЕВА

Мырзамурат ЖУМАМУРАТОВ

Умида ИБРАГИМОВА

Меруерт ПАЗЫЛОВА

Зафар ЧОРШАНБИЕВ

Дўстназар ХИММАТАЛИЕВ

Гулрухсор ЭРГАШЕВА

Гавхар ЭЩАНОВА

МУҒАЛЛИМ ҲӘМ УЗЛИКСИЗ БИЛИМЛЕНДИРИҮ

МАЗМУНЫ

ТИЛ ҲӘМ ӘДЕБИЯТ

Bekimbetova G. R. Qaraqalpaq tilin oqitiwiðiń prognozlıq hám aktivlik mäseleleri	7
Ayimbetova D. Kórkem ádebiyatta animalistika hám oniń teoriyalıq tiykarları	15
Akramov SH. T. Gap bo'laklariga iyerarxik yondashuv	20
Shirinova F. Talabalarning ingliz tilini mustaqil o`zlashtirishlarida blended learning imkoniyatlari	26
Mamadjanova M. N., Mahmudova N. Xalq og`zaki ijodida miqdoriy ma`no	33
Kurbanova M. S. Somatik frazeologik birliklar haqida ayrim mulohazalar	37
Дилмуродова Н. Бадий образ ва психологик тасвир	43
Begasheva Sh. N. Chet tillar (nemis)ni o`qitishda muammoli vaziyat	50
Ҳасанова Д. О. Социал стереотиплар тил социаллашуви омили сифатида	55
Халмуратова М. Т. Некоторые трудности обучения иностранным языкам по медицинской специальности	63
Тен С. К., Рахимова А. И. Инновационные технологии на уроках русского языка	66
Мирахмедова И. А. Современные образовательные технологии на уроках русского языка	71
Samiyeva Z. I. Teaching analysis of the structure of conversation in philological institutions	76
Kaljanova G. B. William shakespeare`s influence for the development of the english language, literature and theatre	82
Mahmudjonova X. Analysis of the concept « Education» in english and uzbek linguistics	87
Rahimova M. M. The analyses of categories in literary works of english and uzbek languages	90
Rahimov A. B. Developing students verbal communication skills and speech etiquette in english language teaching	97
Tangatov B. The role of english language and literature in cultivating students' language skills	102
Rahimov A. B., Abdullaev Z. The effectiveness of modern methods in teaching foreign languages	106
Tangatov B. Modern methods in teaching foreign languages	112

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

Bisenbaev I. Q. Pánlerdi oqitiw processinde xabar texnologiyaların paydalaniw orni hám áhmiyeti	117
Orazimbetov E. K. Qaraqalpaq xalıq pedagogikasınıń tárbiyalıq kóz-qarasları	122
Норқобилов М. Н. Ўқитувчи педагогик маҳорати ва компетентлик	127
Файзуллаева Г. Ш. Нега айнан лойиҳага асосланган ўқитиш(project-based learning),	



Ботиров X. X. Рақобатбардошликни таъминлашда таълим муассасасининг фаолиятини белгилашда ўзига хос хусусиятлар	181
Машрабжонов У. А. Олий таълим муассасаларида талабаларнинг фанни ўрганишга бўлган муносабатини тадқик этиш методикаси	188
Raximova F. I. Pedagogika kollejlarida dual ta’lim shakli asosida ta’lim oluvchilarga “Bolalar adabiyoti va ifodali o’qish” fanidan pedagogik amaliyot uchun beriladigan topshiriqlar va ularning bajarilishi	196
Mamaraimova Z. O’quvchi -yoshlarda milliy iftixor tuyg’usini rivojlantirishda oilaning roli	201
Karimova B. X. Savod o’rgatish davrida o’quvchilarning intellektual bilish faoliyatini didaktik o’yinlardan foydalanib takomillashtirish	206
Убайдуллаева В. П. Физика ўқитувчиларининг турли даражадаги компетенцияларини ривожлантиришда замонавий педагогик технологиялар ва усуллар	213
Abralov O. S. Bo’lajak biologiya o‘qituvchilarini tayyorlash muammolari	226
Султанов Е. Қ. Бўлажак қишлоқ хўялиги мутахассисларини касбий тайёрлашнинг компетенциявий тузилмаси	232
Пинёзов И. Х. Ўқув фаолиятида талабаларни тадбиркорлик ва тежамкорликка йўналтириши масалалари	241
Султанов Е. Қ. Компетециявий ёндашув асосида бўлажак қишлоқ хўялиги мутахассисларини касбий фаолиятга тайёрлаш методикасини такомиллаштириш масалалари ҳақида	246
Xasanov F. Z. Bo’lajak matematika o‘qituvchilarining kasbiy kompetensiyalarini shakllantirishning pedagogik-psixologik shart-sharoitlari	256
Ismoilova Sh. O’rta umumiy ta’lim maktablari o‘qituvchilarining kasbiy kompetentligini oshirishga innovatsion yondashuv	260
Tangatov B. Pedagogical aspect of development of professionally significant language skills of engineering students	265
Rahmatullayeva S. I. Library staff training and their activity	270
Shirinkulova Sh. M. Teaching latin to medical students during their professional education based on competency approach	279
Rasulova G. F., Karimova Z. A. Quality education is the foundation of society and the future of the country	286

МИЛЛИЙ ИДЕЯ ҲЭМ РУЎХЫЙЛЫҚ ТИЙКАРЛАРЫ, ТАРИЙХ, ФИЛОСОФИЯ

Мирзахамдамова Д. З. Фарғона вилоятида касаначиликни ривожлантириш бўйича олиб борилаётган чора-тадбирлар эришилган ютуқлар	290
Mahmudova X. R. Жамиятда молиявий саводхонликни шакллантиришнинг асосий омиллари	295

ФИЗИКА, МАТЕМАТИКА, ИНФОРМАТИКА

Shodihev H. R. Oliy ta’lim muassasalarida geografiya fanini raqamli texnologiyalardan foydalanib o‘qitishda xorijiy tajribalardan foydalanish	304
Xodjabayev F. D. Talabalarni obyektga yo‘naltirilgan dasturlash tillariga oid kompetentligini	

bajariladigan, ongli suratda tug'ilgan extiyojlar inson xatti-harakatini asosiy motivlaridir.

Motiv bu birinchidan insonni faoliyatga undaydi, ikkinchidan o'ziga xos jihatlarni namayon etadi va maqsadga erishish uchun zarur yo'l va usullarni tanlashga yordam beradi. Motivlarga ehtiyojlar, qiziqishlar, emotsiya va hislar, e'tiqod va ideallar, ustakovka va odatlar kirishi mumkin.

Mazkur maqolada ham mavzu yuzasidan berilgan tushunchalar alohida tahlil qilindi. Jumladan, Alifbo darsi, intellektual, bilish, faoliyat, didaktik o'yin kabilar. Ushbu tushunchalar tahliliga e'tiborni qaratish bilan birga ulardan dars davomida samarali foydalanilsa maqsadga muvofiq bo'ladi. Shundagina Alifbo darslari samaradorligi oshib, o'qituvchi oldiga qo'ygan maqsadga erisha oladi.

Adabiyotlar:

1. 1993-yil, 2-sentyabr. Lotin yozuviga asoslangan o'zbek alifbosini joriy etish to'g'risida. O'n ikkinchi chaqirik O'zbekiston Respublikasi Oliy Kengashining o'n uchinchi sessiyasida qabul qilingan qonun // O'zbekiston Respublikasi Oliy Kengashining Axborotnomasi.-1993, №9, 332 - modsa.
2. 1995-yil, 6- may. «Lotin yozuviga asoslangan o'zbek alifbosini joriy etish to'g'risida»gi O'zbekiston Respublikasi qonunini amalga kiritish tartibi xaqidagi O'zbekiston Respublikasi Oliy Kengashi qaroriga o'zgartishlar kiritish to'g'risida: O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi qarori. // Xalqso'zi.- 1995.-6 iyun; «Ma'rifat». - 1995. -7 iyun. Yana qarang: Til va adabiyot ta'limi.- 1995.- №3. - B.4.
3. Abdullayeva Q va b. Savod o'rgatish metodikasi. –T “O'qituvchi”. 1996 yil.
4. Boshlang'ich ta'lim jurnali. 2000-2007.
5. G'affarova T. “Savod o'rgatish” - T: 1997.
6. G'ulomova X. Yo'ldosheva Sh. “Onatili o'qitish metodikasi” - T: Ma'ruza matn.

РЕЗЮМЕ

Mazkur maqolada Alifbo darslarida o'quvchilarning intellektual bilish faoliyatini didaktik o'yinlardan foydalanib takomillashtirish mazmuni yuzasidan fikrlar bayoni keltirilgan.

РЕЗЮМЕ

В данной статье изложены идеи по содержанию совершенствования интеллектуальной познавательной деятельности учащихся на уроках алфавита с использованием дидактических игр.

SUMMARY

This article presents a description of the content of improving students ' intellectual cognitive activity using didactic games in Alphabet lessons.

ФИЗИКА ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ ТУРЛИ ДАРАЖАДАГИ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА УСУЛЛАР

Убайдуллаева В. П.

Toishkent tibbiyot akademiyasi assistensti

Таянч сўзлар: инновацион ўқитиш, технология, компетенциявий ёндашув, эвристик, муаммоли вазият, индукция, дедукция, абстракциялаш.



Ключевые слова: инновационное обучение, технология, компетентностный подход, эвристика, проблемная ситуация, индукция, дедукция, абстракция.

Key words: innovative training, technology, competence-based approach, heuristics, problem situation, induction, deduction, abstraction.

Кириш. Физика таълими сифати - ўқилаётган, таҳлил қилинаётган мавзуга физика ўқитувчисининг масъулият билан ёндашиши, ушбу мавзунинг мазмунини талабаларга етказишга қаратилган маҳорати, унинг ўқув жараёнини бугунги кун талаблари асосида ташкил эта олиши билан белгиланади. Бунда педагогик технология имкониятлари ва усулларидан фойдаланиш муҳим ҳисобланади. ЮНЕСКОнинг таърифи бўйича “Педагогик технология - бу бутун ўқитиш ва билимларни ўзлаштириш жараёнида олдинги таълим шаклларини самарадорлаштириш вазифасини қўювчи техник ҳамда шахс захиралари ва уларнинг алоқасини ҳисобга олиб, билимларни яратиш, кўллаш ва белгилашнинг тизимли услубидир”. Таълим технологиясини, бутун педагогик фаолият асосида лойиҳалашни амалга оширишнинг амалий жараёни, ўқитувчи ва талаба учун тўла қулай шароитни таъминлаш орқали таълим жараёнини ташкил этиш ва ўтказиш модели деб таърифлайди.

Физика ўқитувчisi педагогик технологияни амалиётга самарали жорий этиши учун: давр талабига мос дарс мақсади ва вазифаларини аниқ белгилаши, физика фани мазмунини ўқув дастури бўйича мукаммал эгаллаши, мунтазам равишда педагогик маҳоратини ошириб бориши, дидактик жараённи амалга ошириш билан таниш бўлиши, ўқитишининг самарали шакл, усул, восита ва технологияларидан фойдалана олиши ҳамда талабанинг ўзлаштиришини мунтазам назорат қилиб, баҳолаб бориши лозим. Умуман олганда, физика ўқитувчisi: педагогик технологиянинг илмий-назарий асосларини; ўқув жараёнига тизимли, технологик, компетенциявий ёндашувларни; инновацион ўқитиш технологияларини; ўқув жараёнини лойиҳалашни; ўқитишининг фаол усулларидан фойдаланишни; уй вазифаларини мақсадли беришни; муаммоли топшириқларини талаба фаолият даражаларига мос ҳолда тузишни; Интернет тармоғидан фойдаланишни; талабаларнинг билимини объектив баҳолаш кабиларни билиши керак.

Асосий қисм. Қўлланиладиган педагогик технологияларни бир тизимга солиш, унга мақсадли йўналиш бериш ўқув дарсини ташкил этишдаги шакл ва мазмун яхлитлигини таъминлаган ҳолда кутилиши зарур натижани олишни белгилайди. Физика ўқув жараёнига тестларнинг жорий этилиши,

диагностик таҳлилнинг киритилиши, мониторинг назоратининг юритилиши, билимларни холисона баҳолашга ўтиш, физика фанининг боб, бўлим мазмунини яхлит ҳолда ўзлаштиришни моделлаштириш, тизимга солинган назорат турларида талабаларнинг ишлаши ҳамда ноанъанавий дарс шаклларининг вужудга келиши ўқув жараёнидаги анъанавий таълим ўрнига вужудга келган янги педагогик технологиялар бўлиб, улар янгича фикрлаш тизимидағи ўқув жараёнига ўтишни тақозо этади. Педагогик технологиялар бўйича билдирилган фикрларни умумлаштиrsак педагогик технология мазмуни, физика ўқитувчисининг касбий фаолиятида замонавий ўқитиш воситаларидан фойдаланган ҳолда ўқитиш самарадорлигини ошириш, талабаларнинг билим олиш сифатини яхшилаш, талаб этилган билим даражасига эриши учун ўқув жараёнини олдиндан лойиҳалаштиришдан иборат деб тушуниш мумкин. Демак, педагогик технология - ўқув жараёни учун лойиҳаланади ва белгиланган мақсадга эришишга йўналтирилади. Лойиҳалаш, мўлжаланган максад ва уни амалга ошириш усул ва воситалари йиғиндисини аниқлашдан иборат. Бунда - ўқитиш технологиясини амалга ошириш вақтини аниқлаш; ўқув материалини таҳлил қилиш; мақсад ва вазифаларни ажратиб олиш; ўқув материалини тизимга солиш; билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштириш босқичлари, талабанинг сифат ва фазилатларини ривожлантиришни аниқлаб олиш кетма-кетлигига ишлар амалга оширилади . Лойиҳалашни бевосита физика фани дарсида амалга ошириш мумкин. Бу жараёнда - физика фани мавзуси бўйича мақсад ва вазифалар билан талабаларни таништириш; муаммоли топшириқ, уй вазифалари ва мустақил бажариладиган ишларни, уларни бажариш тартибини тушунтириш; мавзуни ўзлаштириш бўйича кўрсатмалар бериш, унинг меъёрларини айтиб бериш; талабаларни фаол, мустақил фаолиятга жалб этиш; билишга мотивация ҳамда муаммоларни бажаришга эҳтиёж уйғотиш; мавзу бўйича умумий хуносалар чиқариш; талабалар эришган ютуқларни таҳлил қилиш ишларига алоҳида эътибор қаратилиши лозим.

Физика ўқитувчиши шуни эсдан чиқармаслик керак-ки, талабалар дарс жараёнида турли муаммоларга дуч келади, бу албатта сифат ва самарадорликка салбий таъсир қиласи. Ўтказилган таҳлиллар бугунги кунда физика фани дарсларини ташкил этишда ўқитувчиларда қўйидаги умумий камчиликлар борлигини кўрсатади, улар: физика фани ўқитувчиларининг педагогик маҳорат ва қобилиятининг сустлиги ҳамда замонавий таълим талабларини эътиборга олмаслик; ўқув жараёнини давр талабларига мос, ҳаёт, турмуш, фан-техника, ишлаб чиқариш билан боғлаш асосида ташкил



этмаслик; ўқитишда талабанинг аввалги билими, қизиқиш, эҳтиёж ва ҳаётий тажрибаларини ҳисобга олмаслик; ўқитишининг замонавий методика, метод, шакл, технология ва воситаларидан самарасиз фойдаланиш ва бошқалар.

Бугунги кунда республикамизнинг таникли олимлари: Н.Х.Авлиёкулов, Н.Н.Азизхўжаева, Н.С.Саидахмедов, О.Д.Рахимов, Л.В.Голиш, М.Тожиев, М.М.Холмухамедов, К.Б.Ҳайитбоев, А.Мавлянов [4] кабилар илмий асосланган, минтақамизнинг ижтимоий-педагогик шароитига мослашган педагогик технологияларни такомиллаштириш ва уларни ўқув жараёнида фойдаланишга ҳаракат қилмоқдалар. Бунинг учун физика ўқув жараёнини замонавий ташкил этиш, лойиҳалашга етарли эътибор бериш, унинг асосий турларига илмий жиҳатдан ёндашиш, шакллари ва ҳажмини ўрганиш масалаларига физика ўқитувчилари томонидан эътиборни ошириш, ўқув жараёни сифатини оширишда маълум бир тизимни яратиш, талабаларни қўпроқ муаммоли илмий-тадқиқот ишларига жалб этиш муҳим. Ушбу долзарб муаммоларнинг ижобий ҳал қилиниши кўп жиҳатдан физика ўқитувчиларининг касбий салоҳияти ва педагогик маҳоратига, савиясига, тайёргарлигига ва фидоийлигига, унинг ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялаш ишига бўлган муносабатига, турли даражадаги компетенцияларининг ривожланганлигига боғлиқдир.

Физика ўқитувчилари амалиётда физика ўқитишда қўйидагилардан қўпроқ фойдаланилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз: репродуктив, муаммоли, эвристик, турли шакллардаги тадқиқотчилик методлари, қўргазмали куроллар, жадваллар, ўқитишининг техник воситалари. Дарсда эса қўйидаги ўқув фаолияти турларидан фойдаланиш муҳимдир: талабалардан сўраш, формула, қонун ва тушунчаларни ёзиш, дарслик материалини ўқиши, саволларга жавоб, масалаларни ечиш, қўргазмали қўлланмаларни кўриб чиқиши, лаборатория ишлари, намойиш тажрибалари ва экспериментларни ўтказиши. Бунда ўқитиш турларидан фойдаланилади: оғзаки, қўргазмали, мустақил иш, аудиовизуал, амалий иш. Бу ортиқча зўриқиши муаммоларини ечади.

Физика ўқитувчилари касбий маҳорати ҳамда педагогик тажрибаларини ошириши учун қўйидаги талабларни бажариш лозим: дарсда физика ўқув материалларини ўзлаштириш режаси ва конспектларини турли шаклларда тузиши; замонавий ўқитиш технологиялари тамойиллари асосида дарсларни ўтказиши, амалий дарслар мавзулари бўйича тарқатма материаллар билан таъминлаш; кичик гурухларда мустақил ишларни, мустақил ишларни илмий-услубий жиҳатдан ташкил қилиши; семинар дарсларини баҳс-мунозара



шаклида олиб бориш, танқидий фикрлашни ривожлантирувчи тест варианларини тузиш, аниқ белгиланган ўқув мақсадларига эришишга йўналтирилган дарслар таркибини аниқлаш ва бошқалар. Физика ўқитувчиси ушбу талаблар асосида дарсларни ташкил этса, бу фаолиятга бўлган фаоллиги ошади, фикрлаши, ижодий тафаккури кучаяди, методик тайёргарлиги такомиллашади, муаммолар ечимининг энг яхши йўлини танлаш фаолияти мустаҳкамланади.

Физика фанидан лаборатория дарсларини олиб бориш технологияси мавзусини сұхбат ва баҳс мунозара усулида ўтиш методикаси 1-иловада, технологик харитаси эса 2-иловада берилган.

Лаборатория дарсини олиб бориш технологияси

1-илова

Талабалар сони: 12	Вақти -2 соат
Дарс шакли.	Лабораторияга кириш
Дарс режаси.	Лаборатория ишларининг турлари тўғрисида маълумот. Лаборатория ишларига оид адабиётлар.
Дарс мақсади. Лаборатория ишларини бажариш технологияси билан таништириш.	
Педагог вазифалари: курснинг тузилиши тўғрисида маълумот бериш. Лаборатория ишлари, уларга оид адабиётлар тўғрисида маълумот бериш, лаборатория ишларининг баёни, лаборатория ишларини назарий топшириш тўғрисида.	Ўқув натижалари: курснинг тузилиши ҳамда лаборатория ишларини бажариш тартиби тўғрисида маълумот берилади, лаборатория ишларига оид адабиётлар тўғрисида маълумот олинади. Лаборатория ишларининг баёни билан таништи-рилади. Лаборатория ишларини назарий топшириш тўғрисида тушунча ва баҳолаш мезони тўғрисида маълумот берилади.
Бажариш усуллари.	Маъruzа, сұхбат, баҳс-мунозара, муҳокама қилиш, фикр алмашиш.
Воситалари.	Бажаришга оид ускуна ва слайдлар.
Шакли.	Лабораторияга кириш



Шарт-шароитлари.	Техник воситаларни қўллашга мўлжалланган аудитория, проектор ва намойиш тажриба ускуна-лари.
Мониторинг ва баҳолаш.	Оғзаки сўроқ, савол-жавоб, таҳлил натижалари.

Лабораторияга кириш дарси технологик харитаси 2-илова

Фаолият босқичлари	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Талаба
босқич. кириш (5 дақиқа)	1. Лабораторияга кириш 2 Курснинг таркибий қисми таништиради. 3. Курснинг баҳолаш мезони тушунтирилади 4. Талабаларга янги курс ҳақида адабиётлар рўйхати берилади.	Эшигади ва керакли маълумотни ёзиб олади. Саволларга жавоб беради.
босқич. косий босқич (5 дақиқа)	1. Лбораторияга оид умумий маълумотлар. 2. Фан бўйича талабаларнинг билими, ўқуви, кўникмаларга қўйилган талаблар 3. Лаборатория ишларининг умумий мазмуни.	Эшигади ва чизиб олади. Саволларга жавоб беради. Ёзиб олади ва таҳлил қиласди.
босқич куний. (дақиқа)	1. Мавзу бўйича якуний хulosалар. 2. Талабаларнинг дарс давомидаги фаолиятини таҳлил этиш ва баҳолаш.. 3. Мустақил ишлаш учун вазифа бериш.	беради. Савол Ёзади.

Бугунги кунда физика фани мазмуни, уни ўрганишнинг замонавий технологиялари ва методларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Улар қуидагилардан иборат: илмий изланиш методлари (кузатиш, тажриба, таққослаш, солиштириш, таҳлил қилиш, синтез, классификациялаш, хulosалар чиқариш, амалиётга жорий этиш); ўқитиш методлари (кўргазмали, намойиш, китоб билан ишлаш, репродуктив, эвристик, муаммоли вазият, тадқиқот, лойиҳалар методи, муайян вазиятларни ўрганиш (кейс-стади) методи, маъруза, ҳикоя, оғзаки, тушунтириш, сұхбат



методлари, амалий дарс, лаборатория иши); хулоса чиқариш методлари (индукция, дедукция ва аналитик метод).

ОТМларида талабаларга таққослаш, анализ қилиш, аниқлаштириш, умумлаштириш каби фикрлаш операциялари (З-илова)ни кўпроқ қўллашга тўғри келади.

фикрлаш операциялари

3-илова

фикрлаш операциялари	мазмуни
Таққослаш-	мавзуларни ва мақсадни аниқлаш; ўхшашларини топиш; мавзунинг муҳим белгиларини ажратиб олиш; муҳим белгиларни аниқлашни ўз ичига олади. Масалан, лаборатория термометрининг ўлчаш аниқлиги, шкалаларининг бўлиниши ва ҳароратни ўлчаш чегарасини топиш.
Тахлил қилиш-	физика мавзуларини, мақсадини аниқлаш; ҳодисани бир-бири билан боғлиқ бўлакларга бўлиш; ажратилган бўлакларнинг ўзига хос белгиларини аниқлаш; боғланишларни кўриш; хулоса чиқариш. Масалан, столда мензурка, термометр, калориметр, стакан турибди. Суюқликнинг ҳароратини ўлчовчи асбобларни танлаб олиш; лаборатория ишини бажариш учун тайёрланган асбоб ва материалларнинг ортиқчаларини ажратиб қўйиш
Синтез-	фикрлаш амалининг мақсадини, предмет ёки ҳодиса орасидаги боғланишларнинг аҳамиятини аниқлаш; олинган маълумотни режа кўринишга келтириш. Масалан, синтезлашга қўйилувчи талаб ва эслатмани кўрсатма бўйича матнини тузиш. Манбалар (дарслик, конспект, илмий оммабон адабиётлар, газета ва журналлар, Интернет кабилар)дан фойдаланиб, мавзулар бўйича реферат тайёрлаш.



Классификациялаш-	максадини аниқлаш; гурухларни таърифлаш; берилган асос бўйича гурухларга бўлишни бажариш; натижасини текшириш. Масалан, ўқув материали бўйича дарсликда берилган ҳодиса, қонун ва асбобларни ажратиб ёзиш; ўқилган материалга тегишли масалаларни топиш, мураккаблигига қараб жойлаштириш
Умумлаштириш-	мақсадни аниқлаш; умумлаштирилувчи мавзунинг асосийларини ажратиб олиш; таққослаш, бир-бирига қарама-қарши қўйиш, хулоса чиқариш.
Индукция-	фикр юритиш мақсадини аниқлаш; далил, ҳодиса ва хусусиятларни тўғри тасаввур қилиш; таърифлаш; таҳлил қилиб, боғланишларни аниқлаб, хулоса чиқариш. Масалан, физикадан тажрибаларни таҳлил қилиб, моддаларнинг иссиқлик ўтказувчанлиги турлича бўлиши; конвекция газлар ва суюқликлардагина бўлиши, қаттиқ жисмларда бўлмаслиги; қандай жисмларни нурни яхши ютиши ва қандай жисмларни нур яхши чиқариши тўғрисида хулоса қилиш.
Дедукция-	фикрлаш мақсадини аниқлаш; дастлабки назарий ва амалий умумлаштириш аҳамиятини ифодалаш; далил ва ҳодисаларни топиш; моҳиятини тушунтириш. Масалан, қўйидаги саволларга жавоб бериш: Нима учун ғовак чуқур қор кузги экинларни музлашдан сақлайди?. Оловдан одамга энергия қандай йўл билан узатилади?. Сабабини тушунтиринг.
абстракциялаш-	мақсадни аниқлаш; мавзу тўғрисида таянч билимларни топиш; берилган шароитда объектнинг асосий белги ва хусусиятларини ва бошқа мавзулар билан боғланишини фикран ажратиб олиш; таърифлаш

Тиббиёт йўналишидаги таълим муассасаларида физика ўқитувчиларининг ривожлантиришда турли даражадаги компетенцияларини топшириқларнинг ўрни бекиёс. Талабаларнинг ўқув-билиш компетенцияларини шакллантириш учун физика ўқитувчиси томонидан бериладиган муаммоли топшириқлар қўйидаги талабларга жавоб бериши лозим: топшириқнинг мақсади талабаларга тўғри ва аниқ тушунтириб берилиши, мазмун пухталиги;

топшириқлар ҳар бир талабанинг имконияти ва қизиқишлигини ҳисобга олган ҳолда берилиши; топшириқ қатъий тизим ва изчилликка эга бўлиши ҳамда талабанинг фаол даражадаги ҳаракатини таъминлайдиган бўлиши, албатта, белгиланган вақт ичида бажариши талаб қилиниши ва бошқалар.

Муаммоли топшириқлар талабалар аниқ ҳатти-ҳаракатини англатувчи феълларда ифодаланиши даркор. Оғзаки савол-жавоб, ўқитувчининг талабалар билан бевосита мулоқати бўлиб, саволларга берилган жавоблар баҳоланади. Ёзма топшириқлар тузиш, таянч сўз ва иборалар вариантидан фойдаланишни назарда тутади. Топшириқларни тузишда интерфаол усулларни қўллаб ҳал қилинадиган топшириқлар миқдорига эътибор бериш лозим. Улардан фойдаланиш физика ўқитувчисининг мустакил фикрлаши, ижодий қобилият ва касбий маҳоратларини ҳамда турли даражадаги компетенцияларини ривожлантиради[5].

Тиббиёт йўналишидаги ОТМларида физика ўқитувчиларининг турли даражадаги компетенцияларини ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш сифатини кўтаришда лабораторияларда илмий-тадқиқот ишларини кенг кўламда олиб бориш лозим. Бундай илмий изланиш ишлари физика ўқитувчиларининг қизиқишини, талабаларни жалб қилиш натижасида уларни илмга, ўз фанини чуқурроқ ўзлаштиришларига имконият беради. Физика ўқитувчисини илмий изланиш фаолиятига жалб этилиши, илмий тадқиқот ишларининг натижаларини таълим жараёнига жорий этиши, таълим билан интеграциясини таъминлайди.

Тиббиёт йўналишидаги ОТМларида физика ўқитувчиси узлуксиз изланишда бўлиши, фикрлаши, психологик муносабатларини ўзгартириши, инновацион ғояларни шакллантириш асосида фаолият кўрсатиши зарур. Бундай ўқитувчилар билан ишлаш, уларнинг турли даражадаги компетенцияларини ривожлантириш ишларини ташкил этиш ҳамда методик тайёргарлигини ҳисобга олишда муҳимдир.

Физика ўқитувчисининг методик тайёргарлиги ўз ичига - физика ўқитишида тизимили-фаоллик ёндашувларни амалга оширишда тажриба орттириш: ўқитишининг мақсад ва вазифаларини белгилашда, таълим стандарти ва ноаниқ вазиятда уларга эришиш йўлларини режалаштириш, талабаларнинг ёши, қобилияти ва шахсий фазилатларини, когнитив қизиқишлири, таълим стандартларининг меъёрий талабларига мувофиқлигини ҳисобга олган ҳолда физика ўқитиши мазмунни элементларини белгилаш; фаол ва интерфаол ўқитиши усулларини танлаш, шу жумладан. ахборот-коммуникация технологияларидан, таълимнинг инновацион шакл ва воситаларидан фойдаланган ҳолда, физика дарсларида



талабаларнинг илмий билимлар методологиясига мувофиқ мустақил ижодий, тадқиқот ўқув фаолиятини ташкил этишни олади.

Физика ўқитувчисининг экспериментал тайёргарлиги ўз ичига - кўникмаларни шакллантириш: экспериментал, тадқиқот ёки лойиҳалаш топшириғининг мақсадини аниқлаш; ишларни амалга ошириш режасини тузиш, тажриба учун зарур асбоблар ва материалларни танлаш; ишнинг мумкин бўлган натижасини башорат қилиш; олинадиган натижаларни аниқлаш, олинган натижаларни баҳолаш ҳамда хулоса чиқаришни олади.

Анъанавий дарс шаклини сақлаб қолган ҳолда, уни талабалар интилишини фаоллаштирадиган – интерфаол усуллар билан бойитиш, замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан ўз ўрнида фойдаланиш натижасида уларнинг ўзлаштириш даражасини ошириш мумкин. Бунинг учун дарс жараёнини оқилона ташкил этилиши физика ўқитувчи томонидан талабаларнинг қизиқишини орттириб, уларнинг таълим жараёнида фаоллиги мунтазам рағбатлантирилиб турилишини таъминлайди.

Ўқув материалини кичик-кичик бўлакларга бўлиб, уларнинг мазмунини очища баҳс-мунозара, ақлий ҳужум, кичик гурухларда ишлаш, тадқиқот ролли ўйинлари, талабаларни амалий дарсларни мустақил бажарилишига ундаш, блиц сўров, ФСМУ каби технологиялардан, шунингдек, турли баҳолаш усулларидан фойдаланишни таклиф этади.

Талабаларнинг ўқув-билиш компетенцияларини шакллантиришда амалий усул муҳим ҳисобланади. У машқларни ташкил этишни назарда тутади. Машқ жараёнида талаба бир неча бор амалий ва ақлий амалларни такрорлайди. Уларга физика ўқитувчи томонидан муаммоли топшириқлар таклиф этилади, улар тарқатма материаллар билан мустақил ишлайди. Машқларни бажаришнинг ҳам жамоавий ҳам индивидуал шаклларидан фойдаланилади. Жамоавий машқдан билимларни ўзлаштириш ва мустаҳкамлашдан ташқари назорат учун ҳам фойдаланиш мумкин. Индивидуал машқ худди шу функцияни бажариш билан жамоавий фаолиятга талабаларни йўналтиришга хизмат қиласи.

Физика ўқитувчи ўқув фаолиятида фойдаланиши учун усуллар қаторига муаммоли ўқитишни киритиш жуда муҳим. У талаба фаолиятини фаоллаштиришга асосланган бўлиб, унинг асоси талабанинг фикрлаши муаммоли вазиятни ҳал этишдан бошланиши ҳамда унинг муаммоларни аниқлаш, тадқиқ этиш ва ечиш кобилиятига эга эканлигидан келиб чикади. У талабаларга билимларни амалий фаолиятида самарали ўзлаштиришга

ёрдам беради, улардан келажакдаги вазиятларда унумли фойдалана олишни, таълим муаммоларини еча билиш, мустақил изланишга ўргатиш, ижодий тажрибага эга бўлиш ва уни ривожлантириш, таълим жараёнининг вазифаларини таҳлил қилиш имкониятларини очиб беради.

Дарсни ўтказиш бўйича методик кўрсатма: талабаларга муаммоли вазиятларни яратиш учун 10-15 дақиқа вақт берилиб, муаммоли саволларга тўғри жавоблар танлаш, фикрни мужассамлаштиришни текширилади. Улар турли йўллар билан муаммоли вазиятлардан чиқиш йўлларини ўйлайди. Шу билан бирга ўзлари дарс давомида муаммоли вазиятлар, масалалар тузади. Физика ўқитувчиси шуни эсда тутиши керакки, талабалар ўзларича ҳамма нарсани кашф этишга ва ўрганиб олишга қодир эмаслар. Улар ўқитувчи раҳбарлигига хulosалар чиқаради ва қоидаларни таърифлайди. Шу сабабли муаммоли усуллардан фойдаланишда ҳам ўқитувчининг тушунтириши ўз аҳамиятини йўқотмайди.

Ўтилган мавзуни сўраш шакллари: индивидуал ва гуруҳли шаклда. Сўраш турлари: оғзаки, тест, муаммоли топширикларни бажариш, сўраш. Тушунтириш жараёнида эътибор қилиниши лозим бўлган жиҳатлар: мавзуни ўтган мавзу билан боғлаш, техник воситаларни ишлатиш, фанлараро алоқани таъминлаш, талабаларнинг ёзиши ва ўқишини ташкил этишга имконият яратиш, ўтилаётган мавзунинг таъсири ва ўрганилиш даражасини текшириш. Бунда талабаларга муаммоли саволлар берилб бориш, қисқа муддатли савол-жавоблар ўтказиб бориш, ўқув дарсини кузатиб бориш, талабалар жавобларига изоҳ бериш, яхши жавобларни рағбатлантириш, янги мавзуни мустақил ўрганиш учун шароит яратиш.

Модулли ўқитиши - педагогик амалиётда тўпланиб келинган барча самарали воситаларни ўзида қамраб олган. Унинг асослари П.Юцявичене томонидан ишлаб чиқилган. Бу ўқитишнинг моҳияти талабанинг мустақил ҳолда ёки қисман ўқитувчи ёрдамида модул билан ишлаш орқали ўқитиши мақсадига эришишидан иборат. Модулли ўқитиши аввало талабанинг ўқув фаолиятини фаол ташкил этишга қаратилган бўлиб, унинг ёрдамида талабанинг ўқув материалларини мустақил ўзлаштириб олиши, ўз-ўзини назорат қилиб бориши учун кенг имконият яратиб берилади.

Физика фанини ўқитишида ахборот технологияларидан фойдаланиш физика таълими сифатини оширишда муҳим ҳисобланади. У кўпроқ интеллектуал, илмий муаммоларга йўналтирилган. Маълумотларни визуаллаш, тасвирларни қайта ишлаш, виртуал фазони яратиш талабага мураккаб масалаларни ечишда образли муҳитга тушиш, қўйилган мақсадларга сифат жиҳатдан янги савияда яқинлашиш, бошқарув



қарорларини тайёрлаш ва қабул қилишни енгиллаштириш каби имкониятларни яратади. Ахборот технологияларини 12-иловада берилгандек турлари мавжуд.

Мұхомама ва натижалар

Физика фани дарси мавзуларини танлашда ўқитувчининг касбий маҳорати, дарсни ташкил этиш ва ўтказиш методикаси, технологияси, билими ва керакли воситалар аниқ акс эттирилиши керак. Бу жараёнда физика ўқитувчиси олдида мұхим бир масала туради. Дарс факат ўқитишининг метод ва шакллари билан чекланиб қолмай, балки ўқув мақсадларини амалга ошириш, ўқитувчи ва талаба ҳамкорлигини рүёбга чиқаришни талаб қиласы. Аввало, физика фани дарсининг ижодий режаси тузилади. У ўз ичига - фан дастуридан келиб чиқиб, мавзу материалининг мазмунини чуқур билиш, мавзунинг ҳозирги замонга, талабаларнинг ёшига, ўқитувчининг ҳәётій ва иш тажрибага, ўрганилаётган мавзунинг олдинги ўтилган, кейин ўтилиши керак бўлган мавзуларга, унинг талабалар психологиясига мос келишини олади.

Яхши ўқитувчи уй вазифаларини талабаларга қизиқарли бўлишга ҳаракат қиласы. Шу мақсадда, улар уй вазифаларни ҳарактер ва шаклига қараб: оғзаки ва ёзма, мұхим ва ўз хоҳишидаги, қўшимча адабиётларни қўллаб, ўзи танлаган топшириқ, индивидуал ва гурухли кабиларга ўзгартиришади. Уй вазифаси аниқ ва тўғри бўлиши учун физика ўқитувчиси дарс жараёнида тушунтириш ишларини олиб бориши керак. Шунинг учун ҳам компotentли физика ўқитувчиси янги материални тушунтиришга кўпроқ вақт ажратади. Чунки, билимларни англаш жараёни қанчали самарали бўлса, кейинги дарсда уй вазифаларини текширишга шунчалик камроқ вақт кетади. Мазкур жараёнга тайёрланиш даврида физика ўқитувчиси илмий-методий изланиши, қўргазмали ва дидактик материаллардан, ўқитишининг ахборот коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиши мұхим.

Физика таълими сифатини оширишда мустақил ишларнинг ўрни ҳам катта. Бу ўз навбатида физика ўқитувчиларидан талабалар мустақил ишлари мазмунини ишлаб чиқиши ва уни амалга ошириш усулларини такомиллаштиришни тақозо этади. Шу мақсадда физика ўқитувчилари қуйидаги вазифаларни амалга ошириши мұхим деб ҳисоблаймиз: талабаларининг мустақил ишини ташкил этиш мазмуни, шакл ва методлари, педагогик шарт-шароитларини аниқлаш, методик тавсиялар ишлаб чиқиши ва уларни амалиётга жорий қилиш; талабалар мустақил ишини ташкил этиш мазмуни, ҳолати ва уларнинг таркибий қисмларини назарий жиҳатдан

таҳлил қилиш ҳамда шакл ва методларини ишлаб чиқиш, талабалар мустақил ишини ташкил этиш билан боғлик муаммоли топшириқларни ишлаб чиқиш; талабалар мустақил ишини ташкил этиш методикаси асосида амалий методик тавсиялар ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга жорий этиш.

Хулоса

Шундай қилиб, бугунги кунда жаҳонда физика таълимини такомиллаштириш бўйича интенсив ишлар амалга оширилмоқда. Физика ўқитишининг мақсадлари, ўқув материали мазмунини танлаш тамойиллари аниқлаштирилмоқда, дарсликлар ва бошқа ўқув воситаларини модернизация қилиш ишлари олиб борилмоқда, ўқитишининг самарали шакллари ва методлари ишлаб чиқилмоқда. Бу жараён ҳозирги вақтдаги фан ва техника ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг ривожланиши, жамиятнинг барча соҳаларига янги ахборот технологияларининг кенг жорий этилишига асосланган илмий-техник натижаларни ўз ичига қамраб олади. Шу билан боғлик равища ОТМларда физика ўқитишининг мазмуни ва мақсадлари ҳам ўзгармоқда. Тегишли ахборотларни эгаллашнинг кучайиши эса физика фани ўқув материаллари структурасини такомиллаштиришни талаб этмоқда. Бу эса ўз навбатида, физика ўқитувчиларининг турли даражадаги компетенцияларининг ривожланишига ўз таъсирини кўрсатади.

Адабиётлар:

1. Ишматов Қ.Р. Педагогик технология.-Наманган: НамМПИ, 2004.-95 б.
2. Зевин Л.В. Образовательные технологии и технологическая культура учителя // Школьная технология. -М.: 2002, №5. 22.
3. Мавлянов А., ва б.к. Ўқув дарсларини лойиҳалаш. Ўқув-услубий қўлланма. – Тошкент, 2015. -100 б.
4. Мавлянов А., ва б.к. Ўқув дарсларини лойиҳалаш. Ўқув-услубий қўлланма. – Тошкент, - 2015. -26-30 б.
5. Пўлатов И.П., ва б.қ.лар. Таълимда инновация. - Тошкент: Фан, - 2007. -170 б.
6. Эсонбаева Д. Информатика ва хисоблаш техникаси асосларидан ноанъянавий дарсларни ташкил этиш методикаси: Дисс... пед.фан.ном. - Тошкент: 2006. -19 б.
7. Бокиев Р.Р., ва б.қ.лар. Педагогик дастурий воситалар ва математик моделлаштириш // Педагогик маҳорат. - Бухоро, 2003. - №2.- Б.73-77.
8. Юцявичене П.А. Теория и практика модульного обучения. - Каунас, - 1989. - 78 с.

РЕЗЮМЕ

Замонавий ўқитиши технологиялари асосида физика ўқитувчисининг турли даражадаги компетенцияларини ривожлантиришда самарали бўлган мақсадларни белгилаш, уларга эришиш йўл-йўриклири, усуллари ва воситаларини танлаш, бу жараённи сифатли амалга ошириш учун зарур ҳисобланади. Ушбу мақолада тиббиёт йўналишидаги ОТМларида замонавий ўқитиши технологиялари асосида физика ўқитувчисининг турли даражадаги компетенцияларини ривожлантиришда, уларни физика фани бўйича ўқитиши, масалалар ечиш методикаси, лаборатория ишларини бажариш, мазкур фанни ўқитишида инновацион усуллар, педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланиш, мазкур



фан мавзулари ва мазмунига қараб ўқитиши усулларини танлаш ҳакида тегишли билим ва күрсатмалар бериш, илғор методик тажрибалар билан таништириш, лойиҳалаш вазифалари муҳимлиги ҳакида тұхталиб ўтилади.

РЕЗЮМЕ

На основе современных технологий обучения необходимо ставить эффективные цели развития разного уровня компетенций учителя физики, выбирать ориентиры, методы и средства их достижения и качественно осуществлять этот процесс. В данной статье на основе современных технологий обучения в высших учебных заведениях в области медицины, в развитии разного уровня компетентности учителя физики, обучении их физике, методологии решения задач, выполнении лабораторных работ, инновационных методах в преподавание этого предмета с использованием педагогических и информационных технологий, методы обучения в зависимости от темы и содержания этого предмета, дающие соответствующие знания и инструкции по выбору, ознакомление с передовым методическим опытом, важность проектных заданий.

SUMMARY

On the basis of modern teaching technologies, it is necessary to set effective goals for the development of different levels of competence of a physics teacher, to choose guidelines, methods and means to achieve them, and to carry out this process in a quality manner. In this article, on the basis of modern teaching technologies in higher educational institutions in the field of medicine, in the development of different levels of competence of physics teachers, teaching them physics, methodology for solving problems, performing laboratory work, innovative methods in teaching this subject using pedagogical and information technologies, methods training, depending on the topic and content of this subject, providing relevant knowledge and instructions for choosing, familiarization with advanced methodological experience, the importance of project assignments.